



Ростин айтсам, кўксимдаги дилим янги (Сирожддин Саййид)

Хакка беадад шукрки, миллий сўз санъатининг кадим илдизлари афзалликларини очик-ойдин эхтиромлаш кунларига эриштирди. Илми адаб ахли адабий меросни сунъий гоёлаштиришдан, зўраки тоифалаштиришдан тийилди. «Диний-мистик», «феодал-клерикал» намуналарни ажратиб олиб коралашдан, «дунёвий»ни саралаб олиб ортикча оклашдан тўхтади. Таъкик-таъкиб йилларида ижодларга нисбатан содир этилмиш маломат, хиёнатлар кўлами ва окибати фош бўлди. Эркили юртда адабиёт журъат, жасоратининг йўриги ўзгача, меҳнат-захматининг файзи бўлакча кечади. Энди унда макбул гоёларни чўчиб-кўркиб, авайлаб-пардалаб тақдим этиш машаккатига караганда санъатнинг туб мохиятига муносиб ўнганмок вазифаси гоётда муҳимлашади. Истиклол даври ўзбек адабиётининг кайфияти, ўзгаришлари, янгиланишларидан жараённинг нечоғлик табиийлигини ва ҳукукийлигини фаххламок мумкин.

Асрлар мобайнида ўз халки ва атрофдаги эл-юртлар сингари исломий нур ёғдуси ичра яшаган, кейин куфроний зулматни бошдан кечирган шеърият сўнги комил дин дастуридан, сўнги Пайгамбар (с.а.в.) хадисларидан бахрамандлик онларига — мустақилликка «лабда табассуму кўзда ёш билан» (Абдулла Орипов, «Генетика») кадам кўйди. Зеро, у хилма-хил мураккаб ходисотли тузум ичида яшади. Мустақилликдан кутулмай туриб, ҳақ йўлни қарор топтирмак душворлигига, инчинун, эркин ижод қилмок мумкин эмаслигига, хурриятнинг эса барча жиддий ишдан-да жиддийроқлигига ишонч истиклол арафаси шеъриятида авжланди. Бу ҳол гоҳ мунгли, гоҳ жанговор, гоҳ суронли, гоҳ кизиккон акс этди ва мохиятан аср боши миллий уйғониш шижоатини эслатди:

Оҳим! Осийларни оёкка қалқдир,
Киёмат кўргузмай далил-хужжатин.
Ки бу ҳам яшашга ҳақки бор халқдир,
Қалбларга қадаб қол қассос қўчатин!
Қим зиндон тузумни яшар қуллуқлаб?
Ўлиқлар тушунмас қонли додимни.
Юртим! Эркинг учун ўзим қуллуқлаб,
Қурбонликка сўйдим истеъдодимни ...
(Мирзо Кенжабек)

Бундай охангларга ажабланилмади. Негаки бу йиллар бўйи етилиб келган, тармоклари саноксиз дарднинг озодликни умидловчи садоси эди. Хаксизлик шеъриятни кўп бор чалгитиб, ўз буйругини бажартиб, ўз нагмасига ўйнатиб, ночор йўлларда адаштириб турар эди. Миллий шеъриятнинг ўша аср тарихидан хали тахлилини топмаган биргина сатрига мурожаат қилайлик: «Бутни тангри деган мен эмасмидим?» (Чўлпон).

Мазкур мисра мансуб «Алданиш» шеърининг лирик кахрамони жуда эзилиб пушаймонлик азобини тортади. Чунки шошиб меҳрини багишлаганига бошда бешубха ишонган, унинг мавхум нарса эмаслигига акли етгандек бўлган. Хатто кўлини текизиб кўрган, унинг одам эканини билган. Соглом, тетик, бардам сезгиси ила сезган. Хаёлий, тотли ардок, «илохий мухаббат, ишк билан» суйган. Мухаббатнинг кўзи кўр бўлади, дейдилар. Беш йилдан сўнг (1922 йил) ногахон ошиқнинг алдангани маълум бўлиб қолиб, багрига «огули тикан» кадалади. «Кўзимга кўринган саробми эди?», «Кўзимни ўраган киприкми эди?» дея кўнглини ёлгонга кўндирган воситаларни изтиробли излайди у.

«Бутни тангри деган мен эмасмидим?» Мисрадаги бутнинг кимлиги ёки нималиги, аёлми ёки хаёлми экани, дохийми ёки инкилобми экани шеърда бирламчи гоё хам, кизиктириб кўядиган жумбок хам эмас. Гоёвий-поэтик муҳимлик шундаки, Чўлпон ўз нозиктаъб «мен»ининг алданишида сиёсий-ижтимоий тўфонларнинг мудхиш товланишини, хатарноклигини таъсирчан умумлаштиради. Халол ва сергак иктидор эгасига хос тезлик билан алданувни пайкаб қолади. Адашиб суйганлигидан пушмонлигини ҳеч нарсадан хайикмай, мардона фош қилади.

«Бут»ларга сизининг, бинобарин, шеъриятда «бут»лар мадҳининг амал муддатини, «таваллуд» ва «вафот» саналарини аниқроқ белгилаб тасаввурга келтириш мушкул иш эмас: XX юз йилликнинг бошланиш қисмидан 17 йилча, охириланиш қисмидан 17 йилча фурсатни чегириб хаёл қилинса, асрнинг қолган йиллари шундай ёхуд шундайроқ ўтган дейиш мумкин. Азалдан бунёдланиши илохий, зиммасидаги юки мукаддас саналмиш шеърият кўпинча ўзининг виждонига терс яшамокка мажбур бўлди. Номуносибни ихтиёрсиз ёзишдан номуносибни ихтиёрий ёзиш кўникмасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Махкумлик чўзилганлиги туфайли ботиний кечинмалар анчайин четда қолиб, зохирнинг манзараларини талабларга мувофиқ қуйлаб беришга кизикиб кетилди. Шу даврнинг бошқа ватанларигина эмас, яқин асрларнинг ҳеч қайси «бут»лари — хонлари, подшолари, фиръавнлари, дахолари, арбоблари гоёлари бу қадар ялпи, кўпмиллатли олқишловни кўрмаган. Мазкур ахвол жамиятда ҳукмронлашган ширкларнинг шеъриятни зўраки тобелантиришидан бошқа нарса эмас эди.

Албатта, машъумликнинг бошланишида хам, у авж нукталарига кўтарилган кезларда хам соз самаралар, рост оханглар, хакконий ифодалар бўлмаган, бевафо гоёларга алданишдан асраниш ва ёзганидан пушаймонликлар сезилмаган, деб хулоса чиқариш тўғри бўлмайди. Зиддиятли муҳитнинг бу нисбати айрича мавзудир. Чўлпон сатри эса асрий вазиятнинг бир кутбидир, холос. Яъни, шеърият надомат эътирофининг илк жавоб-жарангидир. Ундаги «бут» хурриятимиз арафасигача узок вақт сўз санъати воситасида улуглантирилган гоёлар ва шахсларнинг ширк-образи, умумлашган рамзий номи. Айни мисрани занжирлардан озод бўлган бугунги шеъриятнинг аччиқ синовлардан кейинги афсус-надомат бонги сифатида қабулланса, ярокли, фойдалидир. Собик

мадхиябозлик эсланмаса-эсланмас, тадкики битилмаса-битилмас, биров унинг — пушаймоннинг сабоқ эканлиги унут бўлмаслиги лозим: «Бутни тангри деган мен эмасмидим?»

Бутлар хали синмаган, буни ўйлашнинг ўзи жиноят ҳисобланган, бепоён истибдод кишанлари мустаҳкам пайтларда мадх услуби бир бўлди, адабиётнинг даҳриёналиги, муқаррам исломий асослардан буткул жудолиги бир бўлди. Мозий ўзбек назмининг диний-дидактик йўсинини акалли тавба, истигфор ёхуд ибодат талқини сифатида баҳолашга ботиниш имкони йўқ эди. Алҳосил, шеърият ўзини бемисл нурлантириб турувчи тўғри эътикод руҳидан узоклаштирилди. Унинг яшаш тарзи фақат дунёвийлик ўлчовига мосланди. Холбуки, соҳа тарихида тўлиғича исломий ижодларнинг, ҳар жихатдан уйғун ижодларнинг эркин бунёдга келиши ва оммалашуви одатий ҳол бўлган. Эски «дунёвий» назм ислом манбаларидан истаганча озикланган, ундангина ўз мезонларини кидирган. Мустабид тузум дунёвий шеъриятида эса даҳриёна мотивларгагина дарвоза ланг очик эди.

Бу борада ҳатто етмишинчи йиллар вазиятининг ҳам анчалар ўжар ва инжик кечганини эсдан чиқариб бўлмайди. Гарчи мутеликка ҳуши йўқ, баландпарвоз фасоҳатдан йирок, кўнгилдан куйлашни мурод қилган шоир авлодлар аллақачон пайдо бўлган, улардаги кўтаринкилик аллақачон одамларни ром этган, хайратомуз шеърлар ёзилаётган бўлса-да, ҳамон шеъриятнинг динга рағбати мумкин эмасди. Шундай кезларда «Жаннатга йўл» достони ёзилган. Муаллифининг жаҳон адабиётидан «Илохий комедия»ни таржима қилиши ўзбекона дostonга туртки берган. Асарнинг илк бор эълон этилиши — «Муштум» журналига доир воқеа. Эҳтимол, ана шу сабаблар ҳам керагидан ортик таъна-дашномлар йўлини тўсгандир? Аслида, ҳар қандай зўравон мафқуранинг кўзини баъзан шамгалат қилиш мумкин. Чунончи, Фитрат катагон этилса-да, асарлари ман қилинса-да, фақат атеистик нуктаи назардан тушунилгани сабаб бўлиб, диний сюжетли «Киёмат» ҳикояси қайта-қайта босилган.

«Жаннатга йўл» — бир жихатдан ўша жамият адабиётининг чакмоқдек ходисаси. У воқеаларни диний ақидалар асосига қуриши, ажойиб гоёлар тараннум этиши, таъсирли тимсолар вужудга келтириши билан эътиборни тортади. Ўқувчи ва тамошабинга охир-оқибатни ўйлатади. Савобга, дўстликка, покликка, ҳалолликка чорлайди. Асарнинг баъзи ўринларида рўй-рост, баъзи ҳулосаларида «киши билмас» даъватлари бор. Драматик дoston жозибадор бошланиб, худди шундай тугайди. Илк марокли, таъсирчан воқеа — тарозида Йигитнинг савоб ишлари енгил келиши, бу натижа унинг дузахий ҳисобланишига боис бўлиши. Дostonнавис шеъриятнинг топқир ва закий истеъдоди бўлгани учун имконига ярашиқ янги «гап» топа олади ва «гап»нинг мавқеини баланд кўтаради. Бош қаҳрамонининг гуноҳи бир қарашда ҳеч нарса эмасдек, шоирликда барчага ҳос ҳолат-ходисадек:

Илохий дил берган эди сенга Худойим,
Кулоқ сол деб шўрликларнинг охи-воҳига.
Сен-чи, само шуъласини куйладинг доим,
Шеърлар битдинг юлдузларга, гулга, оҳуга.

Достоннинг замирида гапи, фазилати кўп, эскирмас сахифалари ҳамон бизни мафтун этади. Айрим фикрий нуксонлари, махдудликлари динга муносабатнинг ўша йиллардаги савияси билан изоҳланади. Масалан, «Факатгина фармон берар Аллохи кодир, лекин калбни англамайди кизлар мисоли», «Худо бошкармаган ҳеч қачон халкни» каби тамом нотўғри гаплар учрайди. Йигитнинг тарозибон «кўзларида алланечук норизо туйғу» кўриши, тарозибоннинг эса ҳадеб чилим кайфини кисташи, йигитнинг икки пайса савоб топиши (нариги дунёда?), хуркизнинг йигитчилик-хотинталаблик хусусида сўзлашига ўхшаган ишончсиз, атеистик, рухоний тафаккурга номуносиб эпизодлар мавжуд. Ўзи ҳамиша шартли «ёлгон» бўлган бадиий тасвирга асл ёлгонлар тиркалса нима бўлади? Шу зайл танкидий ҳукмларга келиш, раддияларга берилиш бугунги кундагина осон, албатта. Начора, сифат ҳам, нуксон ҳам дунёда ибратдир. «Хар неку баде ки дар шумор аст, То дар нигари салохи кор аст» (хар яхши-ёмон кўргуликни текширсанг, турмуш учун хайриятли томони бор), — дейди Бобур («Бобурнома»), Ибратнинг ҳечдан кўра кечи ҳам керак.

Шу маънода масаланинг бошка муҳим томони бор. Жаҳон маданияти, санъати, адабиёти нариги дунё мавзусида ҳамиша хато кўчаларга кириб кетган. Гап шундаки, ҳар қандай башоратлар, ривоятлар, ҳар қандай тасаввурлар негизида бўлмасин, ҳар қанча шартли-рамзий тасвирланмасин, у дунё воқелигини сюжетга асос қилиб асар яратиш исталган даражадаги истеъдодни — ожиз инсонни адаштириб кўяди. Бундай йўналишда инсоният учун барқамол, бекаму кўст, доимо хайратлантирувчи бадиий намуна битмок мумкин эмас. Данте «Илохий комедия»си ҳам қатор ижобий, умумбашарий гоёларига қарамай, Аллох ҳузурда энг макбул дин — исломга жиддий моментларда зид йўлдан боради. Боринги, бу тоифа асарларнинг муайян камчиликлари аён бўлгач, улар тузатилса ҳам, асарларнинг яна хатокор бўлиб қолавериш эҳтимоли кўп.

Аллох ўз бандаларига гайб илми, унинг тадқиқи, гайб тасвири ва башорати билан шугулланишни эмас, ақл етмас, чегараси йўқ соҳада машгулланиб адашиб кетишни эмас, гайбга факат ишонишнигина буюрган. «Бақара» сурасининг 2-3-оятларида гайбга ишонмок мўъминларнинг сифатларидан бири эканлиги марҳамат қилинади. Гайбни билиш эса ёлғиз Аллохгагина ҳос сифатдир. «Хашр» сурасининг 22-оятда оламларнинг Парвардигори бизга бу ҳақда хабар берган: «У — Аллох шундай зотдирки, ҳеч қандай илох йўқ, факат Унинг ўзи бодир. (У) гайб ва шаҳодатни (яъни, яширин ва ошқора нарсаларни) билгувчидир. У меҳрибон ва раҳмлидир». Ва яна «Намл» сурасининг 65-оятда Ҳак Субҳонаху ва Таъоло хитоб қилади: «Айтинг Осмонлар ва ердаги бирон қимса гайбни билмас, магар Аллохгина (билур). Улар қачон қайта тирилишларини ҳам сеза олмаслар».

Мусулмонликнинг энг баланд мартабаларидан бири, эътиқоднинг талабларидан энг юксаги ҳам Аллохга, пайгамбарларга, фаришталарга, жаннатга, дўзахга, киёматга, тақдирга... кўрмасдан туриб ишонмок ва иймон келтирмокдир. Исломиятда ҳар муаммо, ёхуд саволга ҳужжат асосида жавоб-муносабат билдирилади. Далиллари бўлмаган ҳукм-мулоҳазадан эҳтиёт бўлинади. «Саҳихи Бухорий»да саҳобалардан Ибн Масъуднинг: «Қим билса, гапирсин, билмаса, Аллох Таъоло билгувчирок! десин. Чунки билмайдирган нарсасини билмайман дейиш ҳам илмдандур», деган сўзлари келтирилади. Аниқлиги шубҳали гаплардан тийилиш мўъминликнинг аломатларидан

хисобланади. Илму хикматнинг эса инсон учун адоқ-интихоси йўқдир. Демак, бутун шеърият мавзуларининг, фикрларининг талкинида имкон қадар чуқур идрок, мақсадга мувофиқ диний илмлар ҳам зарур.

Хозирги йиллардаги сингари имкониятлар ўзбек шеъриятининг XX аср тарихида қузатилмаган. Талай янгича поэтик изланишлар, классик тажрибалардан ибратланиш микёсининг кенгайиши, хур, эркин ижодкорга хос фикрлаш тарзининг намоён бўлиши давримиз учун характерлидир. Эндиги ижоднинг ёқимли, умидбахш тамойилларидан бири эътикодга теран нуктаи назарни шакллантиришида, мақбул илм уммонига чанкок шўнгиб, ундан дур-хикмат теришида, буларни янгича такдим этишга интилишидадир. Ўзига хос овозларига эга барча шоирларимиз ижодларида хайрли натижалар юзага чиқаётганини муболага деб бўлмайди. Зотан, ҳақ йўлда бўлишлик, ҳақ эътикодда собитлик руҳи бутун ижоднинг, исталган асарнинг, ҳар бир мавзунинг, соф дунёвий ва соф замонавий туюлувчи намунанинг қимматини тайинловчи бош мезон бўлишга ҳақлидир.

Фахрламок жоизки, гап фақат исломий ёзиш ёхуд ижодда бу дунёқарашни яққол таъқидлаб ўтиш хусусида эмас. Мазкур талаб-тақозолар доираси диний идрок ва мушоҳада масалаларига оид шеърлардан тортаб мутлақо дунёвий деб тушунилувчи асарларга қадар бўлгай жараёни қамраб олади. Ана шу ўта муҳим умуминсоний муштаракликка барча ҳаётини муаммолар бўйича ҳолис-ҳалол жавоби тайёр бўлган тўғри дунёқарашгина бузилмас таянч бўлмоғи мумкин. Шулар боис шеъриятни маълум мафкуравий гараз билан диний ва дунёвийга ажратиб қараш ўринсиздир. Айни чоқда у йўсин ё бу йўсин ёзмок керак деган тавсияларга қўпинча эҳтаёж йўқдир. Ижод қонунияти шундайки, қалам соҳибнинг ўз мавжудлик моҳиятага нисбатан бепарволикка, икки дунё саодатини идрокламасликка, Яратган ҳузуридаги жавобгарликни мәнсимасликка, санъат талабларини эрмақлашга асло ҳуқуқи йўқ. Иқболнинг шеърларидан бирида шундай ҳиссиёт талқини мужассам:

Бу дунёга келганим—
У дунёга сафарим.
Бу дунёни енгганим—
У дунёда зафарим.
Қачонки, пишти лойим,
Висолдир мумаойим.
Бу дунёда хатойим—
У дунёда зарарим.
Ишқ қадимий масалдир:
Ҳам захар, ҳам асалдир.
Иккисига қоса бир,
Асалдаин захарим!

Қуръони Қарим, ҳадиси шарифлар—шеъриятнинг ҳам бебаҳо таянч манбалари. Ўзоқ чўзилган узилишлардан сўнг шоирларнинг уларга ташна яшаб келаётганликлари маълум бўлди. Ахир, шеър дилга доир амаллар ичида янада инжа дил иши — дил санъати экан, Тангри ризолиги сари талпинувчи қўнгиллар ишки, тавбаси, илтижоси, муножоти,

хулласки, ибодатининг назмда етакчи мавкега кўтарилиши тасодифий эмас. «Мен бу холатга аввалдан бир мунча тайёр бўлганим сабаблими, сатрларим ўз-ўзидан куйилиб келавердилар», — деб ёзади Абдулла Орипов. Ўтилган тайёргарлик — аввало, шоирнинг XX аср ўзбек адабиётидаги ёркин ходиса-ижоди. Сўнгра «Жаннатга йўл» достони, «Илохий комедия» таржимаси, шулар бахонасидаги изланишлар ва хоказолар. «Хаж дафтари», «Хикмат садолари» (эллик хадис) туркумларининг, айникса, бадий-фалсафий «топилдик»ли шеърларида янгилик жозибаси баланд. Улар оркали шоир гўё энг доврукли асарларига хос кечган юксак махоратини мухлисларига бир хотирлатиб кўйгандек.

Шоирнинг услубига тегишли битта бетакрор фазилат бор. У турмушдаги оддий-одатий воқеани, хол-холатни, манзара-кечинмани эл катори кузатар экан, ногахон илхоми улардан ҳеч қутилмаган, ўзгалар ҳеч таъкидламаган хикмат топади. Асло айтилмаган, сира тавсифланмаган фикр-топилдикка шоир шеърхонни «тайёрлай» бошлайди: мавзу теграсидаги долзарб гап-сўзларни таъсирчан эслатади, ўқиётганнинг дардини завкли кўзгаб кўяди, унга гўёки ҳеч ким эшитмаган хулоса-хикмат ваъда килади, шунга мисрама-мисра кизиктириб боради, хаяжонни роса маромига етказиши. Нихоят, шеърнинг охирида «топилдик»ни самимият билан тақдим этади. Жозиб куйма фикр-хукм калбларни фавқулдда ларзага солиб ўрнашади. Шоирнинг ибодат шеъриятида ҳам бу каби услубий хосликларнинг, оригинал намуналарнинг борлиги қувонарли.

«Хожилар» — шаклан митти, аммо мантиқан бақувват шеър. Исломда покдомонлик, ҳалоллик сингари тушунчаларнинг канчалик аҳамиятга эгаллиги аён, барча ахлокий сифатларнинг тарғиботи ҳам устувор вазифалардандир. Харомдан, эгриликдан сақланиш, хатто шуларга нисбатан нафрат ҳам фазилатдир. Каъбанинг қора тошига ок-ойдин муносабат, ёруғ эхтиром жоиз. Қора қилмиш билан муборақ тош қоралиги қиёсида шоир янгила лафз топади. Қайсидир хожининг ҳамёнини қайсидир ўзга хожи ўмарган. Ходисанинг «камёб»лиги, «нотипик»лиги, шубҳасиз, номухим. Ўғирлатган мусулмоннинг дилида шукрона, ўғирлаган эса қилган ишидан мамнунга ўхшайди. Якуний байт донишона, санъатқорона, «Хусни таълил» санъатининг гўзал мисоли: Нобакор банданинг бу қилмишидан Бадтарроқ қорайди Каъбанинг тоши! Шундай шеърий хайратга шоир сизни «Шайтон» номли шеърида ҳам сазовор қилади. Сўнгра икки бандни беихтиёр ёдлаб оласиз. Ёдлаб олгингиз қилади. Ёки унинг маънисини хотирангизда мухрланади:

Минода Шайтонни қилдик тошбўрон,
Лаънатга қўмилди бадбахт у лаин.
Дедик: Шунча юкнинг остидан
Шайтон Минг йиллар чиколмай ётмоғи тайин.
Шодумон йўл олди Ватанга қараб,
Шайтон қолди, дея чуқурда — чоҳда.
Манзилга қайтандик, Шайтон, во ажаб,
Бизни қутиб олди тайёрағоҳда.

«Қаъбатуллоҳ»да шоир она-юртининг яқин қилган тарихидан сўзлаб, илтижолар қилади. «Дуч қелган санамга сизиндик гоҳи, Бизга қенг очилди Шайтон даргоҳи» дея Ватан

ахволотидан армон-изтиробларини бирма-бир баён этади. Лекин шеърда нолиниш бироз меъёридан ошади: «Хануз бири икки бўлмаган элдан... Багри хун, толеи кулмаган элдан келдим», «Ахир, нима эди элнинг гунохи». Нолиш — тавбадан олисроқ холат. У тавбанинг савоб-саодатига соя солмоги мумкин. Чунки нолитаётган асос-сабаб ҳам Яратганнинг иродаси билан юз берган. Нолимок — кўпинча исённинг учкуни. Исён эса Аллох йўлидаги жиход булмай, балки бесабрлик, ўз-ўзига зулм нишонаси. Шеърнинг хар банди «Келдим, мадад бергил, ё, Каъбатуллох» сатри билан якунланиб туради. Бундаги мантикнинг шикасталиги шу шеърнинг ўзидаги «Дуч келган санамга сигиндик гохи» воқеаларидаги ёки бир пайтлар ёзилган «Ва ўзим сигинар мазорларим бор» сатридаги жузъий хатоликлар даражасидадир. Шеърнинг бир бандида «Шафкатинг аяма мендан ҳам, Эгам, Келдим, мадад бергил, ё, Каъбатуллох» дейилади. Яъни, шоир адашган мурожаатни адашмаган мурожаат билан ўзи сезмай инкор этади. Тангри Таъолонинг муқаддас байтига келинсаю, Унинг Ўзи қолиб, Каъбатуллохдан мадад суралса? Бунда шеърий шартлилик ўзини унча окламайди, чунки у шоир дилидаги асл мақсадга ноярашиқ. Такрибан шундай холат «Пайгамбар» шеърида ҳам кўзга ташланади.

«Фарзанд» шеъридаги «Каъбага сигинар экан кекса чол...» мисрасида «Каъбага» сўзини «Каъбада» кабилида тузатилса, мазмун ўнгланади ва чараклайди. Бошқа шоирларимизда ҳам тез-тез кўринадиган шу тоифа хатолардан, яъни Аллох билан бандасининг ўртасига воситачи тушиб қоладиган вазиятлардан эҳтиёткорликка ўргатувчи ишончли хадислар мавжуд. Колаверса, мазкур туркумининг ўзида жавоб тайёр. Мазмунига саҳих хадис асос бўлган «Ибрат» шеърида Расулуллох (с.а.в.) ўзлари суяниб дам олганлари-дарахтни кесишга амр қиладилар:

Расул амр қилди: — Кесинг дарахтни,
Ўйламанг, борликка йўқдир химматим.
Пайгамбар дарахга бергай деб бахтни
Сигиниб юрмасин унга умматим.

Таассуфки, бу жаҳон турмушининг ўзида барқамол идрокка ёт, далилсиз одатлар, бидъатлар, хурофий ва жохилона ишонишлар, ширк келтиришлар озмунча эмас. Умри мобайнида тўғри илмлар билан имкони етганча машгул бўлиб, илоҳиётни таниши ва иймонини мустаҳкамлаши зарур бўлган инсонлар, афсуски, ҳақ йўлдан чалгитувчи нолайик амалларни ҳамроҳ қилиб юрадилар: мазорларга сигинилади, макбаралар чанги-тупроғи кўзга суртилади, туморлар тақилади, дарахтларга латталар боғланади, сумалакнинг «мўъжизали мўъжаз тош»идан умид қилинади... Шундай экан, айниқса, бадий талқинда диний илмлар моҳиятига зийрак холда қириб бориш фарздир. Зероки, шеърият — ҳушёрликни ва эҳтиёткорликни ҳуш қўрувчи санъат.

Ҳар нечук янгилинишда муайян миқдор янглишиш ва саҳву хатонинг бўлмоғи тайин. Юқоридаги кузатишлардан шеъриятимизда худди шундай бўлаётганини қисман ҳис этдик. Улардан фарқли, ўзгача саҳв-нуқсонлар Аллохнинг сифатлари тўғрисида йўл-йўлақай тасвирий фикрлашда кўринаётир. Табиий, яна «замонавий ўзбек шеърияти» тушунчаси шаънига муносиб ижодкорга мурожаат қилар экансиз, бунинг мисолларига бот-бот дуч келасиз.

Ислон илми — беҳад бепоён илохий хазина. Унинг хикмат -кўрсатмалари то киёматга қадар инсониятнинг хар канча тадкики учун етиб ортади. Қайсидир сатрларда алп истеъдодларнинг ҳам гоҳида мантикда гализ кетиши шу боис ажабланарли эмасдир.

Аллохнинг сифатлари чегарасиздир. Улардан айрим бирларигина инсонларга Куръон ва ҳадис орқали билдирилган. Унинг башариятга хабар қилинган, хабар қилинмаган ҳамма сифатлари мукамал бўлиб, мавжудот ила махлуқотнинг нуқсонли сифатларидан ҳеч бирига заррача ўхшамайди. Сифатларининг қайфиятини (ар. — қандайлигини) одамзод ақли қамраб ола билмайди. Яратганга ҳос сифатларни унинг яратикларига, яратикларига ҳосликларни эса Яратганга нисбат бермокни ислоннинг асосий манбаларида қатъиян ман этилади. Қитоб ва Суннат ҳукмларидан қелиб қиккан ҳулосаларнинг биринигина қелтириш билан қекланамиз. Имом Исмоил ал-Бухорийнинг устозлари Наъим ибн Ҳаммад айтадиларқим, «... Аллох Ўзини сифатлаган ёки Расули Уни сифатлаган нарсаларда (яъниким, сифатларда) ташбеҳ ва тамсил этиш мумкин эрмас». Ислон уламоларининг барчалари ушбу масала бўйича айни ҳулосада иттифок қилишган.

Усмон Азимнинг "Тазарру боғлари" турқум шеърлари, адолат юзасидан таъқидлаш жоизки, шоирнинг ҳозирги йиллар шеърляти, шубҳасиз, ижодининг ажиб, янғича давоми. Услуби шундай паллага қирганки, мушоҳада микёси, идрок тарзи, поэтик тимсоллари, маҳоратидаги ақсар бойишлар ўзбек шеърининг янғиланишида сезиларли улушдир. Боғлар ҳақидаги турқуми миллий табиат лирикасида ажойиб саҳифадир. Жузъий баъзи нуқсонларни, бизнингча, турқумдан икқиланмай бартараф этмок қийин эмас.

Турқумда борлик ва банда моҳиятининг муштараклик ҳисси, Тангрининг яратиклари, неъматлари, хикматлари қаршисида лол, тавба-шукронаси қексиз инсоннинг тасаввур ва тафаккур тўфонлари ўқувчини соқин бир оҳангда ўзига ҳамдил, ҳамфикр этади. Маъюс, тиник, умидбахш безовталиқ тасвири ҳаёт қонуниятларига нисбатан ҳайрат ва муҳаббатни жўштиради.

«Тунги салқинларнинг намхуш бағрида» минг тугун саволлар тугила бошлади. Ҳамма-ҳамма тугунлар инсоннинг жонига қалқашган. «Тангрига ҳам бир нур қетгандир» ундан. Хар дарахт, новда, япроқ, гиёҳ — инсонга қариндош. Бутун борлик — заррадан қоинот қадар Яратганники ва ҳамма нарса ўзаро тақдирдош, зинҳор бегона эмас. Ҳаттоқи биргина сўлгин баргда Тангрининг измини, ардоғини ҳис этади шоир: «Оятлар ўқийди қузнинг хар рўзи, Хар япроқ — бир ҳадис» айтади. Шоир шул хикматларни термокка Эғасидан ижозат сўрайди. «Мен бир баргнинг ҳасратин ёзиб, Довруг солсам бўлар оламга» дебон юрагида ёруг оламга меҳрнинг ҳозиргача мисли қўрилмаган жунбушини ифодалайди:

Боқиб осмон моқийлигига,
«Тангрим» дейман. Чеқаман фиғон.
Бутун олам қирар шу сўзга,
Шу бир сўзда бўлади ниҳон.

Оғир ҳасталиқдан омон қиккан одам қандай эҳтиросни туюди? Ҳалокатдан тасодифан

кутулган-чи? Умидим узилди деганида орзуси бирданига рўёбга чикиб колган киши-чи? Ватанини, ниҳояти, озод кўролган ёки узок айрилиқдан сўнг она тупроғига кадам босган нуроний-чи?.. Солих инсоннинг иймони ортади, иймонсиз иймонга келади, кофир тузалмоғи мумкин бу кезлар. Бандасида тазарру ва шукрона жўшади. Хар не хайрат ва хар не таажжубнинг жавобини излаш Аллохнинг ёдига бориб такалаверади:

Бир барг хаёт жимгина битди,
Мангу кетди бир мўъжаз наво.
Аллох, мени бунча титратди
Барг учганда уйгонган хаво?

Усмон Азим асарининг номи «Боглар» эмас, «Тазарру боглари». Богларнинг хикматлари, фалсафаси лирик кахрамонга гаройиб тазарру хиссиётини багишлайди. Хар одам ўз умри билан даврлараро, авлодлараро кўприк мисолидир. Рухиятидаги покланиш эса инсонга ортидаги хатоларини хислатади, янгичаликка кизгин ундайди. Идроклаш айёмида тазарру туйғуси тошкин келади:

Уриндим—асроринг еча олмадим,
Хар битта жилвангда минг сирли тугун.
Факат, Тангрим, кечир, бандаларингдан
Эрку Озодликни кутганим учун ...
Кичкирдим—бўғзимда котдилар унлар,
Кўз ёшларим окди сув каби бетаъм.
Ахир, Тангрим, кечир, коронгу тунлар
Бўзлаб, йўл сўрадим бандаларингдан...
Кечиртн кўйингда адашганимни,
Кечиргин кўйингда тинмаганим-чун,
Кечиргин эрк учун талошганимни
Ва эрк сенлигингни билмаганим-чун.

Тазарру хатокор ўтган кунларни коралаб ташлаш, тушкунликка тушиб кетиш, ўша йўлларнинг фойда-сабогини инкор этиш, ношукурлик-кўрнамаклик килиш кабилида бўлмагандагина Аллох учун маргуб ибодатдир. Ахир, инсон аввалда хам нафас олган, дунёнинг синовлиги хакида эшитган, товушли бўлган, кулган, йиглаган, заминни кезган. Энди хаётда илохийликни кўтаринки идроклаётган экан, мурожаати хам бекусур, гўзал бўлмоғи зарур. Шукрона, тавба, илтижо бирлашиб намоён бўлса, ибодати хузурлидир. Усмон Азим буларни чиройли тушуниб, теран тазарру килади:

Хамон тунлар тўлгайди наво,
Ковургалар—чанковуз танда.
Факат ошиқ дилда уйгонди
Тазарруга бош эгкан банда.
Шафкат танни забт этди-олди,
Чохдан чикди хамма сўзларим.
Менинг жисмим тамом йўқолди—
Ўткирлашди факат кўзларим.

Кўнгилнинг тубларига кириб бораётганлар кўнгил қаърида хакикатан, поклик зиё таратаётганини кучли завк ила фахмлай боради. Ўша покизаликнинг хар заррасида тазаррулар инсонийликни вужудга келтиради. «Сен ўзингни таниганинг чоғ Жамолини кўрсатар Аллох...» Иймони бакуватлашган сайин инсон «Как васлининг музаффар сели» келмоги мукаррар эканини англаб яшайди. Кўнгил Эгасига якинлашаверган сари байдаси бундан-да хушёррок уйгок бўлмокликни тилайди: «Худойим! Тамоман уйкудан уйгот!»

Хиёл бўлсин, уйгонган дилга Аллох файз, баракот ёғдира бошлайди. Бандаси хак йўлда собит юрса, иймон халоватига эришади. «Хак айтган чоғ хакикат сўзин» ўзликнинг дунё олдигаги масъуллиги хам ортади. Бехуда соврилган умр лахзаларининг армони беижозат бостириб келаверади. Шунда «факат тазарру матлуб». Шоир энди авж, жанговар пардалардан воз кечиб, сокин, вазмин куйлайди. Бу холнинг навоси аслида Ватаннинг такдирдан айрича эмас:

Ярашмагай бежуръат итоб,
Занжирларни айлагил унут.
Нега гуссанг бунча бешитоб,
Эй, етмиш йил хазон терган Юрт?
Гамлар ичра ол эркин нафас,
Факат ўзлик озод сохилдир.
Эрк—азобдан кўчган газабмас,
Эрк—гуссадан учган аклдир...

Яратганни таниган кўнгил жахоннинг хар манзара, хар гўшасини, хар зарра, хар катрасини ички маънисига кўра кайта идрок эта бошлайди. Севгини, шафкатни, савобни, окибатни — хамма инсоний сифатларни янгидан кашф килади:

Тан—жонимда,
Жон—танимда йўк...
О, согинчга тўлдим мен бунча!
Йўк, Бойсунни согинганим йўк
Тангрим, сени танигунимча!

Табиатга доир асарни кўпинча завклантирувчи пейзаж, рухиятнинг у-бу киррасини очувчи бадиий восита маъносида тушунишга ўрганган ўзбек шеърхонини Усмон Азим поэтик тафаккурнинг хали сайр килинмаган боғларига, кезилмаган водийларига, янгича тароватли фаслларига бошлайди. Барча шеърларини бокий хакикат, бокий тушунчалар — илохийёт хаёли, мушоҳадаси билан астойдил уйгунлаштириб юборади. Фазилатларга бой мазкур туркум хакидаги иншомиз шоир ижодий самарасининг баъзи нукталари шархи, таассуротидир. Уни батафсил ўрганилса, бахсга тортилса, таргиб этилса арзийди.

Шеърда ибодат майли хамда дунёвий сергаклик уйгунлигининг ижод учун нақадар азалий ва абадий конуниятлиги «Тазарру боғлари»нинг мухтасар таассуротиданок англашилади. Бу — хозирги аксарият шоирларнинг асарларида рангбаранг мавжлари,

ютук-камчиликлари билан кўринаётган тетапоя тенденция. Истиклол адабиётининг равнакидан кутилаётган бу жихатни махсус кузатмок, тадқиқ этиб бормок эҳтиёжи бор. Абдулла Ориповнинг шеърият нигоҳини илк бор асл ўзанига, диний негизига қаратишидан бошланган тўлиқ исломий оҳангдаги йўналиш эса мазкур умумий тенденцияга қараганда ўзбек ибодат шеъриятида етакчилик мавқеига эга. Бу соҳада бардавомлиликнииг мисоллари етарли.

Хадислар асосидаги қирк шеърини Шукур Курбон бармок вазнининг тўртлик жанрида ёзди. Зиммасидаги вазифанинг қийинлигини билди. Хадисларни «тўртликларга туширар эканман, шеърий мисраларимда ўз оҳор ва қучини кетказиб қўймасмикан, дея чўчийман» деб ёзади у. Хадисларга мурожаатда қаламиинг ожизлиги унга ҳам аён бўлади: шеърлари «бамисоли тоғнинг қаршисида қумолича» эмасдек туюлади, талай хадисларнинг «қошида лолу нотавон» қолади. Масъулиятни шу зайл идроклаган, ҳар хадисни бир тўртликда мужассамлашни ниётлаган шоирдан ярқирок сўзлар, қофиялар ўзларини ожизона четга оладилар. Гап бўлақлари шоиргамас, мазмунга бўйсуниб, жой алмашишади. Бу ҳол таассуротни хиралаштирмайди. Шоир «аслият»дан олисламасликка, ҳақиқий моҳиятни бошқачароқ айтиб қўймасликка жуда интилади. Анчагина тўртликлари машҳур хадисларни равон муваффақият билан уқтиради:

35. Савоб, гуноҳи бор ҳар зумнинг,
Мўъминларга аён бу сўз мазмуни.
Мазлум қарғишидан кўрк, парда бўлмас
Ўртасида Аллоҳ ҳамда мазлумнинг.

39. Биздан эмас — ирим қилган, ирим қилдирган,
Фолбин бўлган, фолбинлардан чора қилдирган,
Биздан эмас — сеҳрғарлар, сеҳрғарларга
Ишонганлар: улар шайтон йўлига қилган.

40. Нега бу гам-қуйиш, нега сўнгсиз мунг?
Худо қўрсатган йўл— бандасига ўнг.
То имкон бор экан, айла истиғфор,
Тавба қабул бўлмас қарғарадан сўнг.

Ўз туркумларини дастлаб А. Орипов «Эллик ҳадис», С. Саййид «Қирк ҳадис» деб номлаган эди. Шукур Курбон «Арбаъийн» атамасини қўллади. Маъқул ва анаънавий. Айрим муҳаддисларнинг хадислардан қирқтасини алоҳида ажратиб қитоб тасниф қилиш анаъаналари мавжуд бўлган. Улар қитобларини «Арбаъийн» аташганлар. Арабчада бу қалима «қирк» маъносини англатади. Кейинчалик қалимани қирк хадисдан иборат тўплам, баъзида, умуман, хадис маъносида тушуниш оммавийлашган. Шундай нодир қитоблардан бири аллома муҳаддис Абу Зақариё ан-Нававийга тегишлидир ва ислом оламида машҳурдир. Ислом илмидаги ҳудди шу анаъанадан арабий, форсий, туркий шеърият ҳамиша таъсирланган. Чунончи, Абдурахмон Жомий, Бухорий ва Муслимининг саҳих тўпламлари заминида «Арбаъийн» рисоласини ёзган. Унда хадисларни айнан қелтиради ва шеърий таржимада ифода этади. Навоий асари унинг туркийчасидир. Хуллас, илмий ва адабий изланишлардаги «арбаъийн» атамасида «ҳадис» деган сўз маъносига ишоратгина англашилади. Қалимининг «қирк» —сон маъноси барибир

ўзлигини саклаб туради.

Маълумки, хадисларнинг кимдан, қачон марвий бўлганлиги, қандай шароитда айтилганлиги, сўзларнинг кетма-кетлиги, умуман, матннинг қатъийлиги, айнанлиги ва ўзгаришсизлиги ўта жиддий аҳамият бериб келинган. Хотираси сустроқ, зехни пастроқ кишиларнинг ривоят қилганлари саҳих хадислар таркибига қабул қилинмаган. Ислом аҳли хадисларни сўзма-сўз ўрганган ва ёд олган. Бузиб талқин қилишга йўл қўйилмаган. Ваҳоланки, бу сингари фазилат-таказоларнинг барчасини шеърда мукамал камраб олиб, саклаб қолиб бўлмайди. Уларни атрофлича ўзида мужассамлай олган шеърнинг ҳам «хадис» макомини ололмаслиги аниқ. Демакким, айна йўналишдаги шеърларимиз туркумини «хадис» деб атамоғимиз эриш, галати туюлади. Гўё шеърларнинг хадисликка даъвогарлигидек ноҳушроқ таассурот уйғотади, ноқамтарликдек кўринади.

Шеърий ибодатга чоғланмоқнинг, ҳузурбахш натижага интилоқнинг, санъат воситасида чинакам эътикодга даъватламоқнинг ўзи — хайрли ибрат, савоб. Шу йўлдаги саҳвлар ҳақида сўз юритмоқдан мурод шулким, тўғри шеъриятнинг қомиллиги масаласи ниҳоятда олий мақсаддир. Ибодат — сўзлару амалларнинг Аллоҳга маҳбуб бўлганлари. Банданинг икки дунёдаги даражасини, ҳақиқий ҳаёт-момотини белгиловчи бебаҳо талабнинг — маҳбуб сўз ва амалларнинг барқамоллиги учун ислом илмидангина адашилмай қувватланилади. Аллоҳнинг бандаларига нозил қилган Китоби Қуръони Қаримда ва Пайгамбаримиз (с.а.в.) хадисларида таълим берилган барча солиҳ амаллар ибодат саналгайдир. Не саодатқим, маҳбуб сўз ва амалларнинг ҳаммаси бекаму кўст Китоб ва Суннат орқали башариятга ҳабар берилган. Инчинун, ширқлар сари оғиб кетмаган, турфа нобоп кўчаларда адашиб тентирамаган шеърият роҳат-ибодатдирки, унинг бу борадаги мақсад-аъмолини ҳам шу муқаддас манбалар ўргатади.

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг шеър билан дуо қилганликлари, шеър айтганликлари, шеър эшитганликлари, шеъриятга муносабатлар билдирганликлари хусусида қатор хадислар бор. Шулардан бирида Расулulloҳнинг «Ё Парвардигаро, ансорлар ва муҳожирларни солиҳ бандаларингдан қилгил!» деган дуолари ривоят қилинади. Бунда набий (с.а.в.) шундай байт ўқийдилар: «Охиратдан йўқ эрур ўзга ҳаёт ҳеч, мутлақо, Барча ансор, хижрат аҳлин айла солиҳ, раббано!»

Убай ибн Каъбдан ривоят этилган хадисда Расулulloҳнинг «Шеърда ҳикмат мавжуд» деганлари маълум қилинади. Яна бошқа хадисда Пайгамбаримиз (с.а.в.) айтган байтдан шеър зиммасида турғувчи ҳикматга доир талабни, ибодат даражасидаги шеъриятнинг вазифа-мезонини ўқиб олмоғимиз мумкин:

«Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам йўлда кетаётиб бир тошга қоқиниб кетиб эрдилар бармоқлари қонади. Шунда қуйидаги шеърни айтдилар», — дейдилар: «Қонини зое оқизган шунчаки бир бармоқсан, Тўқмадинг қонингни Аллоҳ йўлида бироқ сан!»

Исломиятда чексиз ҳамду саноларга лойиқ Зотни мадҳ этувчи, унинг Расули (с.а.в.) суннатларига ҳамоҳанг келувчи, ширқдан ва ботил нарсалардан асранувчи, солиҳ мўъминликнинг фазилатларини ёқловчи, Аллоҳ учун муҳаббатни қуйловчи, Аллоҳ ҳузурида ҳузурли бўлган амалларга қорловчи, ҳақиқий эътикодга даъват қилувчи

шеърият кадрланади. Инсонларнинг тоатини, сабрини, илтимосини, тавба-тазаррусини, шукронасини, халол меҳнатини, поклигини, саховатини муслимона мухаббат - жиходини тараннум этган шеърият ибодат хисобланади. Шоирона умр эса бир жихатдан Аллохнинг даҳри ва замонида шоирнинг кўпчилик номидан шеърий эътироф они, бошқачарок айтганда, ибодатнинг бадиий сўздаги синов — имкони.

Асрлар ўзбек адабиётининг дунёвий деб яратилган шеъриятидаги энг яхши намуналар айна ўлчовларга бардош бера олиши билан хар кайси иймонли ўзбекни фахрлантиради. Колаверса, имконият дарвозалари очилиши биланок исломий ва дунёвий хисларнинг муштарак тараннуми баралла эшитилиб бошлагани эсимиздан чиккан эмас. Бу — сўз санъатимизнинг Янги даврга хос ва мос янги тарихи. Шу жараён бошланган дамлар махсули бўлмиш шеърлардан бирини хотирлайлик. Мирзо Кенжабекнинг «Юкинув» шеъридаги лирик кахрамон — тазарруга шошқин киришган, буюрилган йўлга кесқин кадам кўйган, солихликни каттик орзулаган, тавба, шукрона, ибодат каби тушунчалар уйғунлигини идроклаган, синов-хикматнинг беҳаду бетўхтамлигини сезган инсондир. Шеърнинг айникса куйидаги бандларида «кўзи очилган» ўзбек шеъриятининг ўнғланаётган эътикоди англашилади:

Илохи, инсон-ку ўзи — коинот,
Денгизда долгалар, калбда эхтирос...
Ёмонликдан тортган изтиробим бот
Тавбам деб англасанг, кимда эътароз?!
Илохи, хар нак мангуликка эш,
Хар нак покликдан — сендан далолат,
Унга хайратимни сочсам куну кеч,
Шукронам деб кабул килгайсен факат!
Илохи, билгайсен вазиятимни,
Илохи, умидим килмагайсен кул.
Хак йўл деб чекан хар азиятимни
Ибодат ўрнида этгайсен кабул!..

Хак диннинг кўрсатмалари, насихатлари нуктаи назаридан караганда бугунги кунларгача бўлган ўзбек шеърининг, мустабидлик кийинчиликларига карамай, сезиларли ютуқларга эришгани дилларга тасқин беради. Кейинги йиллар назмий тафаккурида рўй бераётган, қисман кузатиб ўтганимиз янгилиниш насимлари туфайли эса рухимизга кувонч ва орзулар уфуриб турибди. Мустакиллик эркинликларидан бири сифатида юзага чикаётган фасохат ва балогат ўзгаришларини шоирларнинг ўзлари мамнуният ила эътароф этаётирлар. Усмон Азимнинг ушбу мисрлари озод, обод, хакли-хуқуқли жамият учун мардона интилаётган Ватан шеъриятининг масрур каноатию шукронасидир эхтимол:

Юлдузларни борар окизиб,
Бошим узра йўловчи дунё...
Ўтмок нега, ахир, гард бўлиб,
Мен, ахир, дард бўлмокчиман, о!
Хабар бергин, кўнглим, фалакка —

Мен янгича яшай бошладим:
Ёкамгамас, кара, юракка
Сизиб тушар аччик ёшларим...
1998 йил.